

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини тахлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш зарурлигини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи метёбларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган метёбларига рияо қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюронин хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНХАга уланган ёки энергияга олинган ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчининг олинган тўланган ҳақ тўлаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узиладиган кейин юзга келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланси бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳужжали объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳужжали объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олинган хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузиллишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағайил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш; Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишнинг, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари дивалт стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилигига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақикий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олинган молдиди жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияни истеъмолининг белгиланган режимида рияо қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳуқуқий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созилаш билан боғлиқ ўчирлишлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларини олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчишлар ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзга келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узиллишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Корхона Истеъмолчининг Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узиладиган ёки енгиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фақулотда авария ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олинган жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низоллар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибиде ҳал қилинади.

## VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 августда бўлган муддатга тузилади.

Шартномага қиритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан қучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хел юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ҳамда Бошқа амалдаги қонун тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Бирча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақикий ҳисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ҳамда Бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.